

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**32-сон**  
**(896)**  
**2019 йил**  
**12 август**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

549. «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарори
550. «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4413-сон қарори
551. «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4414-сон қарори

*Учинчи бўлим*

552. «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали автотранспорт воситала-

ридан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 августдаги 646-сон қарори

553. ««Фахрий фуқаро» мақомини бериш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 августдаги 648-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

554. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 июлдаги 2019-47-сон «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-8*)
555. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 июлдаги 2019-48-сон «Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-6*)
556. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 июлдаги 200-мх-сон «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-8*)
557. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 июлдаги 201-мх-сон «Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2140-1*)
558. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 31-2019/Б-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 285-3*)

559. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 316-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 936-2*)
560. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 317-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1800-1*)
561. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 318-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2647-1*)
562. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 319-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2130-2*)
563. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 320-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1449-1*)
564. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 6-мх-сон «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-1*)
565. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 7-мх-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-1*)
566. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги 16/3-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғри-

сидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-2*)

567. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 31 июлдаги 87, 62, 24, 21-ққ, 15, 01-02/5-49 «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222-5*)

568. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 6 августдаги 325-мқ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1792-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 3 августдан 9 августгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **549** Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Республикада молия бозорини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли молиявий хизматлар билан қамраб олиш кўламини кенгайтириш, суғурта ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ушбу соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга ислохотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга, аҳоли ҳаётининг сифати ва даражасини оширишга йўналтирилган молиявий хизматларни фаол ривожлантириш республикада суғурта бозорининг ролини кучайтиришни ва суғурта воситаларини кенг қўллашни тақозо этмоқда.

Миллий суғурта бозорини янада ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга ошириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислох қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши жаҳон тажрибаларини изчил жорий этиш;

тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш орқали суғурта бозорининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш;

суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг активлари сифатини яхшилаш, шунингдек, суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 августда эълон қилинган.

суғурта брокерлари фаолиятини фаоллаштириш, суғурта агентларининг ишлаш тизимини такомиллаштириш, банксуғурта механизмларини жорий этиш, шунингдек, умуман суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ролини ошириш орқали суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш;

суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, аҳолининг суғурта саводхонлигини ва суғуртага бўлган ишончини ошириш, суғурта бозорининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, суғурта хизматларининг электрон турларини фаол жорий этиш ва ривожлантириш;

суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, суғурта соҳасида таълим беришнинг замонавий усулларини қўллаш, илмий-тадқиқот фаолиятини рағбатлантириш;

миллий суғурта бозорининг ижобий имижини шакллантириш ва юқори даражада ушлаб туриш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини, шу жумладан миллий суғурта бозорини халқаро ва хорижий суғурта бозорлари билан интеграциялаш орқали ошириш.

## 2. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага\* мувофиқ;

2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш, шунингдек, мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий масъулият юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

суғурталовчиларнинг суғурта фаолияти турларига боғлиқ ҳолда дифференциацияланган устав капитали минимал миқдорларини 3-иловага\* мувофиқ 2020 — 2022 йилларда босқичма-босқич ошириш тўғрисидаги;

даромадларнинг 20 фоизигача миқдоридаги ажратмалар ҳисобига, уларни чегириладиган харажатларга киритган ҳолда шакллантириладиган суғурта

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкilotи захира жамғармасининг чекланган миқдорини суғурта ташкilotи устав фондининг 50 фоизигача ошириш тўғрисидаги;

суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полисларни («Е-полис»), шу жумладан Интернет, мобил иловалар, инфокиосklar орқали расмийлаштириш механизмини жорий этиш, уларни қозғоз шаклидаги суғурта шартномаларига (полисларига) тенглаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

юридик шахслар — суғурта (қайта суғурта) брокерлари ва суғурта агентлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси комиссия мукофотининг 13 фоизи миқдорида белгиланади;

суғурта (қайта суғурта) ташкilotининг бошқа суғурта (қайта суғурта) ташкilotлари устав фондларида иштирок этишига йўл қўйилмайди, суғуртанинг бошқа тармоқларидаги суғурта ташкilotлари устав фондларида уларнинг ўзаро иштирокини чеклаш шартларида иштирок этиш бундан мустасно;

ваколатли давлат органи суғурталовчилар томонидан қўлланилаётган суғурта тарифларини, истеъмолчиларнинг суғурта хизматлари сифатидан қониқиши даражасини, шунингдек, суғурта махсулотларининг самарадорлигини таҳлил қилиш асосида суғурта захираларининг қабул қилинаётган таваккалчиликларга мақбуллигини таъминлайдиган суғурта захираларининг минимал даражасини белгилайди.

5. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ қайта суғурталовчи (қайта суғурта брокери) суғурта мажбуриятларини қайта суғурталаш учун хорижий суғурта ташкilotларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятларининг камида 50 фоизи миқдорида қайта суғурталаш бўйича офертани (қайта суғурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкilotларига юбориши шарт. Бунда:

оферта шартлари суғурта мажбуриятларини хорижий суғурта ташкilotларига қайта суғурталашга бериш шартларига мувофиқ бўлиши керак;

оферта акцепти ёки акцептни рад этиш қайта суғурталовчилар — маҳаллий суғурта ташкilotлари томонидан, агар офертада акцепт учун кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, икки иш кунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади;

суғурта мажбуриятлари қайта суғурталовчи — маҳаллий суғурта ташкilotи томонидан ўзининг ушлаб қолиш ҳажми доирасида қабул қилинади;

қайта суғурталовчи — маҳаллий суғурта ташкilotи суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ва асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини амалга оширишда қайта суғурталаш шартномаси шартлари доирасида қайта суғурта қилдирувчининг қарорларига амал қилади.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари облигатор қайта суғурталашга татбиқ этилмайди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-

лари ва инвестиция битимларида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, қўлланилмайди.

6. Белгилаб қўйилсинки, жисмоний шахслар даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (барча тоифадаги ҳаёт суғуртаси соҳаси) бўйича суғурта мукофотларини тўлаш учун Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлган юридик шахсларга йўналтириладиган қисми юзасидан солиқ имтиёзлари қуйидаги шартларда қўлланилади:

а) суғурта суммаси шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан камида 12 ойдан сўнг бирийўла тўланганда. Бунда суғурта бадалларини тўлаш суғурта суммасини тўлаш санасидан олдинги 12 ойлик даврда ўсиб бормаيدиган тартиб бўйича амалга оширилган бўлиши керак.

Шартнома бўйича суғурталанган шахснинг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш (барча тоифадаги ҳаёт суғуртаси соҳаси) бўйича муайян ёшгача ёки санагача яшашидан бошқача тарздаги суғурта ходисаси содир бўлган тақдирда суғурта қопламасини ёки суғурта суммасини тўлаш кўрсатиб ўтилган имтиёз қўлланилган ҳолда шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан амалга оширилиши мумкин;

б) рента (аннуитет) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан камида 12 ойдан сўнг бошланганда. Бунда жорий рентани (аннуитетни) тўлаш санасида шартнома бўйича ҳақиқатда жамланган маблағлар (захира) суммаси кўрсатиб ўтилган рента (аннуитет)нинг тўрт бараваридан кам бўлмаслиги керак;

в) рентани (аннуитетни) тўлаш шартнома бўйича суғурта даври бошланиши санасидан 12 ой ўтмасдан бошланганда. Бунда дастлабки рентани (аннуитетни) тўлаш бошланадиган пайтда ҳақиқатда тўланган суғурта бадаллари суммаси шартнома бўйича суғурта мукофотининг йиллик миқдоридан кам бўлмаслиги керак ва ренталарни (аннуитетларни) тўлаш ушбу банднинг «б» кичик банди талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш шартномаси муддатидан олдин тўхта-тилиши ёки ушбу банд талаблари бузилиши муносабати билан жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинган ва бюджетга ўтказилганда суғурталовчи томонидан суғурталанувчига олинган суғурта мукофотлари суммаси, жисмоний шахсларнинг даромадидан ушлаб қолинган солиқ ва қайтариладиган маблағлар тўғрисида маълумотнома берилади.

7. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ходимларини соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг «Суғурта иши» таълим йўналиши бўйича сиртқи ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари пулли-контракт асосида қабул қилиш тартиби жорий этилсин.

Бунда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш суҳбат якунлари бўйича ва қуйидагилар:

ходимда умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумоти ва суғурта бозоридан камида 2 йил амалий иш стажи мавжуд бўлиши;



контракт иш берувчи — суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан кафолатли тўланиши ва ходим — битирувчи ўқишни таъминлашдан кейин суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси шариҳида 3 йил мобайнида мажбурий ишлаб бериши шариҳи билан амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда суғурта бозори мутахассисларининг хорижий таълим ва бошқа ташкилотларда таълим олиши, малака ошириши ва стажировка ўташи тизимли асосда ташкил этилишини белгиланган тартибда таъминласин.

Ўзбекистон суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари уюшмасига суғурта бозори мутахассисининг чет элда ўқиши, малакасини ошириши ёки стажировка ўташи зарурлигини асослантирган ҳолда унга нисбатан тавсия хатини белгиланган тартибда «Эл-юрт умиди» жамғармасига киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2019 йил 30 ноябрга қадар Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматининг техник кўмагида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш дастурига суғурта фаолияти соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш бўйича алоҳида йўналиш киритиш масаласини кўриб чиқсин.

10. Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси негизда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

11. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суғурта бозорининг ишлаши ва унинг профессионал иштирокчилари фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини, шу жумладан суғурта фаолияти соҳасидаги статистик ва молиявий кўрсаткичларни мунтазам эълон қилиш йўли билан таъминлаш;

суғурта хизматлари истеъмолчилари ва суғурта муносабатларининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилишини таъминлаш, аҳолининг суғурта бозорига ишончини оширишга ва жамиятда суғурта маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

суғурта бозори мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан чет элда, шунингдек, халқаро даражадаги экспертлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш;

суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти, суғурта захираларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича мажбурий норматив ва талабларни белгилаш, шунингдек, самарали суғурта фаолиятини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан суғурта

фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича белгиланган норматив ва талабларга риоя этилишини назорат қилиш;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш, актуарийлар фаолиятини сертификатлаш;

суғурта бозорининг ҳолати ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, масофавий назорат қилиш ва тезкор онлайн-мониторингини олиб бориш бўйича интеграциялаштирилган ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш;

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган анъанавий турларини ривожлантиришга ва янги турларини жорий қилишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги фаолияти соҳасида суғурта ҳимоясини кучайтириш;

хорижий давлатларнинг ўхшаш тузилмалари, халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий ташкилотлар билан суғурта фаолияти соҳасида ҳамкорликни ташкил этиш.

#### 12. Белгилансинки:

Агентлик суғурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш қисмидаги барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентликни сақлаш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор бошчилик қилади;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирнинг ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

13. Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизими бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 28 бирлик этиб белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 30 ноябрга қадар:

мажбурий тиббий суғурта механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини;

Сирдарё вилоятида 2020 йилдан бошлаб «даволанган ҳолат» учун тиб-

бий хизматлар тўлови механизмини ва «жон боши нормативи» асосида молиялаштириш тизими методологиясини, шунингдек, 2021 йилдан бошлаб — мажбурий тиббий суғурта тизимини тажриба-синов тарзида жорий этишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

а) икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини, шу жумладан Агентлик тузилмаси ва Агентлик тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутган ҳолда;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

б) 2020 йил 1 январга қадар суғурта ташкилотларининг фаолиятини таваккалчиликка қаратилган ёндашув асосида тартибга солишга йўналтирилган, суғурталовчиларнинг капитали етарлилиги ва тўлов қобилияти бўйича халқаро стандартларни суғурта фаолиятига босқичма-босқич жорий этиш стратегияси лойиҳасини киритсин.

16. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага\* мувофиқ;

ушбу қарорни амалга ошириш бўйича Батафсил амалий тадбирлар режаси 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (Ж. Қўчқоров):

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар сўзсиз ижро этилишининг мувофиқлаштирилиши ва назорат қилинишини, шунингдек, уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишининг ташкил этилишини;

2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилиши устидан тизимли мониторинг олиб борилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорақда мазкур қарорнинг ижроси юзасидан ахборот киритиб борилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ҳамда мавзули кўрсатувлар ва эшиттиришларни ташкил этсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президен-

---

\* 4-5-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тининг маслаҳатчиси Р.А. Фуломов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 август,  
ПҚ-4412-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**550 Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида\***

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 11 август — якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2019 йил 11 август Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Қурбон ҳайитининг жойларда юқори савияда, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 августда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 август,  
ПҚ-4413-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**551 Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида\***

Сўнги йилларда мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўламли институционал ислохотлар ўтказилди, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни амалга оширишга, сиёсий ва диний қарашларидан қатъи назар маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Бугунги кунда жиноят-ижроия қонунчилигини, шу жумладан озодликдан маҳрум этиш жойларида маҳкумларни сақлаш шарт-шароитларини янада гуманизация қилишни назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш Концепцияси амалга оширилмоқда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси билан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши бўйича чеклов бекор қилинди. Қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва қатъий тузалиш йўлига ўтган 4 мингга яқин озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар афв этилди.

Шу билан бирга, жиноят-ижроия амалиёти таҳлили, шунингдек, жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот натижалари маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини оширишга қаратилган уларни сақлаш шарт-шароитларини янада гуманизация қилиш, шунингдек, ижтимоий мослашувининг натижадорлигини таъминлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 августда эълон қилинган.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларда қонунга итоаткор хулқ-атворни, шахс ва жамиятга ҳурмат муносабатини шакллантиришга йўналтирилган ахлоқан тузатиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ давлатимизнинг халқаро майдонда ижобий имиджини илгари суриш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг:

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани, Жаслик қўрғонида жойлашган 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини (кейинги ўринларда — 19-сон ЖИЭК) тугатиш;

19-сон ЖИЭКнинг бинолари, иншоотлари ва мавжуд мол-мулкларини Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Нукус шаҳрида жойлашган 2-сон тергов ҳибсхонаси балансига ўтказиб бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 19-сон ЖИЭК ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг эгаллаб турган лавозими бўйича пул таъминоти ва ижтимоий имтиёзлари мазкур қарорга мувофиқ ташкилий-штат ўзгаришларига асосан уларнинг лавозимга қайта тайинланиши, контрактининг тугатилиши ёки пенсияга чиқишига қадар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ҳафта муддатда мазкур қарорга мувофиқ тугатиш комиссиясини ташкил этсин ва 19-сон ЖИЭКни тугатиш бўйича белгиланган тартибда комплекс ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширсин;

бир ой муддатда 19-сон ЖИЭК маҳкумларини суд томонидан белгиланган тартиб турига мувофиқ равишда ички ишлар органларининг бошқа жазони ижро этиш колонияларига юборилишини ташкил этсин;

маҳкумларни янги озодликдан маҳрум этиш жойларига қўчириш вақтида 19-сон ЖИЭК шахсий таркиби ўртасида юқори жанговар шайликни ва хизмат интизомига риоя этилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 август,  
ПҚ-4414-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **552** Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали авто- транспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва йўловчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилансинки, мазкур қарор қабул қилинганга қадар амалда бўлган тўлов ставкалари бўйича 2019 йил 1 январдан ойналарнинг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун олинган рухсатномаларнинг амал қилиш муддати мазкур қарорга мувофиқ жорий этиладиган янги тўлов ставкаларига мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасига тендер савдоларини ўтказмасдан, идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун сарфланадиган материалларни харид қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

ички ишлар органларининг рухсатномаси асосида туси ўзгартирилганлигини (қорайтирилганлигини) билдирувчи махсус эмблемалар (голограммалар) намуналарини тасдиқласин ва уларнинг автотранспорт воситаларининг олд ойналарига жойлаштирилишини таъминласин;

икки ой муддатда туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан рухсатномасиз фойдаланганлик учун ойналарнинг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) тўлов ставкаларига тенг бўлган миқдордаги маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналар ўрнатилган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун тўловларни тартибга солиш бўйича таклифлар киритсин;

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 августда эълон қилинган.

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси мазкур қарорни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртмаси бўйича тусни ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатномалар бланкалари ва махсус эмблемаларни (голограммаларни) ўз вақтида тайёрлашни таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 август,  
646-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 2 августдаги 646-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 26-27-сон, 298-модда) билан тасдиқланган «Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида»ги умумий техник регламентнинг 74-банди биринчи ва иккинчи хатбошилариининг рус тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«74. Светопропускание передних лобовых, боковых и задних стекол на всех транспортных средствах должно составлять не менее 70%. Данные требования не применяются к стеклам люков, установленных на крыше автотранспортного средства, а также к тонированным (затемненным) стеклам автотранспортных средств, установленным на основании разрешения органов внутренних дел.

На автотранспортных средствах всех категорий, при наличии с обеих сторон наружных зеркал заднего вида, которые удовлетворяют требования настоящего Технического регламента, допускается тонирование (затемнение) заднего лобового стекла без ограничения светопропускания, а также наличие на нем занавески (жалюзи, шторка)».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори



(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 12-сон, 109-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидалари 3-иловасининг 7.4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7.4. Барча турдаги транспорт воситалари олд, ён ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 70% дан кам бўлса, автомобиль томидаги люк ойнаси, шунингдек, ички ишлар органларининг рухсатномаси асосида туси ўзгартирилган (қорайтирилган) автотранспорт воситаларининг ойналари бундан мустасно.

*Изоҳ: III класс М3 тоифадаги автотранспорт воситаларининг орқа ва ён ойналарига пардалар, икки ёнга орқа томонни кўриш учун ташқи кўзгуси мавжуд бўлган барча тоифадаги автотранспорт воситалари орқа ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартиришга (қорайтиришга), шунингдек, ушбу орқа ойналарга парда (чий парда, дарпарда) ўрнатишга рухсат берилади».*

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 июлдаги 514-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 169-модда):

2-банддаги «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси» сўзлари «Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3-бандда:

иккинчи хатбошига «сумманинг 10 фоизи» сўзларидан кейин «шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома беришдан тушадиган маблағлар» сўзлари қўшилсин;

учинчи хатбошига «мукофотлаш учун» сўзларидан кейин «шунингдек, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун сарфланадиган материалларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, ДЙХХХ моддий-техника базасини ривожлантириш ва қонунчиликда белгиланган бошқа мақсадларда» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали энгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 июлдаги 547-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 7-сон, 181-модда):

номланишидаги «енгил» сўзи чиқариб ташлансин;

2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

а) энгил автомобиллар орқа ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги — чекланмаган даражада, олд ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги — 50 фоиздан кам бўлмаган даражада, шунингдек, турис-

тик йўналишларда йўловчи ташиш фаолиятини амалга оширувчи автобус, микроавтобус ва минивенлар (кейинги ўринларда туристик автобуслар деб аталади) ён ойналарининг тусини ёруғлик ўтказувчанлиги — 50 фоиздан кам бўлмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) тасдиқланган давлат стандарти бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан 1 йил муддатга бериладиган рухсатномага асосан амалга оширилади;

б) автотранспорт воситалари орқа ойнасининг тусини, шунингдек, автотранспорт воситалари олд ойнасининг тепа қисми тусини 14 см дан кўп бўлмаган полоса шаклида ёруғлик ўтказувчанлиги чекланмаган даражада ўзгартириш (қорайтириш) рухсатномасиз, тасдиқланган давлат стандарти асосида амалга оширилади;

в) енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари:

орқа ён ойналар бўйича жисмоний шахслар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорини, юридик шахслар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорини ва Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорини;

орқа ва олд ён ойналар бўйича жисмоний шахслар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорини, юридик шахслар учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорини ва Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахслари учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг саксон баравари миқдорини ташкил этади;

г) туристик автобуслар ён ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўлов ставкалари уларнинг эгалари ҳуқуқий ҳолати инобатга олинган ҳолда, тегишли лицензияни кўрсатиш асосида ушбу банднинг «в» кичик банди учинчи хатбошисига мувофиқ белгиланади;

д) автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тушадиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармасига йўналтирилади ҳамда автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун сарфланадиган материалларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплашга, ДЙХХХ моддий-техника базасини ва автомобиль паркинни ривожлантиришга, шунингдек, ходимларини рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади;

е) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома беришдан тушадиган маблағлар ҳисобидан ДЙХХХ ходимларининг (ишчи ва хизматчилар) қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилди;

ж) хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирил-

ган) энгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушадиган 15 АҚШ доллари миқдорида йигим ундирилади.

*Изоҳ: 2019 йилнинг 1 сентябрига қадар автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловлар ставкаси энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади»;*

3-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **553** «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тартиби тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 1 августдаги ПФ–5495-сон Фармонини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, «Фахрий фуқаро» мақоми иқтисодиёт, фан, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта инвестиция киритган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хайрия (меценатлик) фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилади.

2. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга «Фахрий фуқаро» мақоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан берилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинсин. Бунда қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинади, мақом берилиши тўғрисидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси томонидан имзоланади ва топширилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга «Фахрий фуқаро» мақомини бериш ташаббуси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан илгари сурилган бўлса, бу ҳақдаги қарор Қорақалпоғистон Рес-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 августда эълон қилинган.

публикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан қабул қилинади;

«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан имзоланади ва топширилади.

4. Қуйидагилар:

«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳноманинг намунаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг буюртманомалари бўйича «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома бланкалари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — транспорт вазири А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
648-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 5 августдаги 648-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тартибини, шунингдек, ушбу мақом берилган шахсларга бериладиган ҳуқуқларни белгилайди.

2. «Фахрий фуқаро» мақоми (кейинги ўринларда мақом деб аталади) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рағбатлантириш

шакли, иқтисодиёт, фан, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг ривожланишига катта инвестиция киритганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида хайрия (меценатлик) фаолиятини амалга ошираётганлиги учун миннатдорчилик ва ташаккур белгиси ҳисобланади.

3. Мақом Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш учун асос ҳисобланмайди.

## **2-боб. Мақомни беришнинг асоси ва тартиби**

4. Қуйидагилар мақом берилишининг асоси ҳисобланади:

хорижий шахс ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ёки қўшма корхона ташкил этиш тарзида инвестициялар киритилиши пайтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоб-китоб миқдорининг камида 40 000 баравари миқдорида инвестиция киритилиши;

иқтисодиёт, фан, маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга, жаҳонда Ўзбекистоннинг ижобий имижини такомиллаштириш ва илгари суришга, Ўзбекистон халқининг бебаҳо маънавий-маданий меросини сақлаш ва кўпайтиришга катта шахсий ҳисса қўшганлиги, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ва унинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириладиган хайрия (меценатлик) фаолияти.

5. Мақомни бериш ушбу Низомга иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6. Мақомни бериш тўғрисидаги таклиф билан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ташаббус кўрсатиб чиқадилар ва кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига киритадилар.

Хорижий шахсга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган асослар бўйича мақом берилган тақдирда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларига — киритилган инвестициялар миқдори, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий ёки қўшма корхона ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани олиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига — хўжалик жамиятларидан сотиб олинган акциялар ва улушлар, шунингдек, давлат активларининг миқдори тўғрисидаги маълумотномани олиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлигига — Ўзбекис-

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тон Республикасининг фани, маданияти ва санъати, таълими, соғлиқни сақлаши ва ижтимоий соҳасининг ривожланишига унинг қўшган ҳиссаси тўғрисидаги маълумотномани олиш учун сўров юборилади.

7. Мақомни бериш тўғрисидаги тақдимнома Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига кўриб чиқиш учун киритилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари тақдимномани кўриб чиқиб, мақомни бериш ёки мақомни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан мақомни бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳномани имзолайдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг мақомни бериш тўғрисидаги қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

10. Мақомни бериш тўғрисидаги гувоҳнома Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мақомни бериш тўғрисидаги гувоҳнома Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари мажлисларида ҳам топширилиши мумкин.

11. Мақомни бериш масаласини кўриб чиқиш ва қарорни қабул қилиш мақом берилаётган шахс йўқлигида амалга оширилиши мумкин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Фахрий фуқаро» мақомини бериш ташаббуси билан мустақил равишда чиқишга ҳақлидир.

Мақомни бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан илгари сурилган бўлса, қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан қабул қилинади. Бундай тартибдаги ташаббус билан мақомни бериш тўғрисидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси томонидан имзоланади ва топширилади.

13. Мақом шахснинг вафотидан кейин берилиши мумкин эмас.

### **3-боб. Фахрий фуқаронинг ҳуқуқлари**

14. Мақом берилган шахсларга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:  
кўп марталик уч йиллик визани, унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруриятсиз, шу жумладан, оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар) учун чекланмаган миқдорда узайтириш имконияти билан давлат божи тўланмасдан олиш;

вақтинча пропискани, шу жумладан, оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар) учун давлат божи тўланмасдан уч йилгача муддатда ички ишлар органларида расмийлаштириш ва узайтириш;

шу жумладан, оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар) учун вақтинча прописка жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий прописка ва яшаш гувоҳномасини давлат божи тўланмасдан олиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан биринчи навбатда қабул қилиниш.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

15. Мақом берилган шахсга нисбатан қуйидаги ҳолларда унинг мақомдан маҳрум қилиниши тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин:

шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинганда — суднинг тақдимномасига биноан;

қўйилган инвестициялар (пул маблағлари ва бошқа мол-мулк) жиноий фаолиятдан олинган даромадлар легаллаштирилиши билан боғлиқ жиноят содир этилиши натижасида олинганлиги ҳолати ваколатли органлар томонидан аниқланиши ва тасдиқланиши — суднинг тақдимномасига биноан.

Мақомдан маҳрум этиш берилган ҳуқуқлар бекор қилинишига сабаб бўлади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Фахрий фуқаро» мақоми берилган шахслар реестри юритилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 5 августдаги 648-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги  
гувоҳноманинг  
НАМУНАСИ**



<p style="text-align: center;">____-sonli Guvohnoma</p> <p>_____ ga</p> <p style="text-align: center;">(F.I.O.)</p> <p>_____ ning</p> <p>20 __ y. " __ " _____ dagi ____-son</p> <p>qaroriga asosan</p> <p style="text-align: center;"><b>“FAXRIY FUQARO”</b></p> <p>maqomi berildi.</p> <p>M.O* _____ (imzo) _____ (F.I.O.)</p> <p style="text-align: right;">" __ " _____ 20 __ yil</p>	<p style="text-align: center;">Certificate № _____</p> <p>_____</p> <p style="text-align: center;">(Full name)</p> <p>According to the order № _____</p> <p>from _____ " __ " 20 __ year</p> <p>was conferred with status of</p> <p style="text-align: center;"><b>“HONORARY CITIZEN”</b></p> <p>P.S. _____ (signature) _____ (Full name)</p> <p style="text-align: right;">" __ " _____ 20 __ year</p>
---	---



«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳномаси 110 х 75 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв. м қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) яшил рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли иккита сатрдан иборат матн жойлашган: биринчи сатрда «Faxriy fuqaro maqomi», иккинчи сатрда «berilganligi to'g'risida» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVONNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг пастки чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр юқорига, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли иккита сатрдан иборат матн жойлашган: биринчи сатрда «Honorary citizen», иккинчи сатрда «of conferring the status of» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «CERTIFICATE» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) оч кул рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Гувоҳноманинг ички чап томони (иккинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVONNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «-sonli» сўзи ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган.

«\_\_\_-sonli GUVONNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган. Учинчи чизиқда «ga» сўзи ёзилган.

Пастки чизиқдан 5 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 4 миллиметрли учта сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «ning», иккинчи сатрда «20\_\_ у. «\_\_\_» \_\_\_\_\_dagi», кейин 15 миллиметр узунлигида қарор (буйрук)нинг тартиб рақамини «-sonli» кўрсатиш учун чизиқ, учинчи сатрда ««\_\_\_ qarori (buyrug'i)ga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Пастки чизиқдан 6 миллиметр юқорида марказда «FAXRIY FUQARO» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган матн жойлашган.

Ундан 5 миллиметр пастда «unvoni berildi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ёзилган.

Пастки чизиқдан 5 миллиметр қуйида, 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «М.О'», кейин 12 миллиметр узунлигида «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳномани имзолайдиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатиш ҳамда имзо қўйиш учун чизиқ, иккинчи сатрда «\_\_\_»\_\_\_\_\_ 20\_\_ yil» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «Certificate № \_\_\_\_» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегель) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизик жойлашган.

«Certificate № \_\_\_\_» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.

5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 4 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «According to the order № \_\_\_\_\_», иккинчи сатрда «from \_\_\_\_\_ «\_\_\_» 20\_\_\_\_ year», учинчи сатрда «honored with title of» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегель) сўзлари ёзилган.

Пастки чизикдан 6 миллиметр юқорида марказда «HONORARY CITIZEN» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегель) сўзлари ёзилган матн жойлашган.

Пастки чизикдан 5 миллиметр қуйида, 4 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «P.S», кейин 12 миллиметр узунлигида «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳномани имзолайдиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатиш ҳамда имзо қўйиш учун чизик, иккинчи сатрда «\_\_\_»\_\_\_\_\_20\_\_ year» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегель) сўзлари ёзилган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 5 августдаги 648-сон қарорига  
З-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибига қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

2-бандда:

олтинчи хатбошидаги «берилади» сўзидан кейин, «ушбу банднинг еттинчи ва саккинзинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги саккинзинчи хатбоши қўшилсин:

«Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар) давлат божи тўламасдан уч йил муддатгача кўп марта фойдаланиладиган визаларни олиш ҳуқуқига эга»;

қуйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«6<sup>1</sup>. Ички ишлар вазирлиги томонидан «Фахрий фуқаро» мақоми берил-

ган чел эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар)га давлат божи тўланмасдан уч йил муддатгача кўп марталиқ кириш-чиқиш визалари берилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан уларнинг муддати узайтирилади»;

8-банддаги «ундирилади» сўздан кейин, «ушбу Тартибнинг 2-банди саккизинчи хатбошида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 5-сон, 32-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги 3<sup>2</sup>-банд қўшилсин:

«3<sup>2</sup>. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига бошқа давлатлардан келган «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) (кейинги ўринларда ТШИИББ деб аталади) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда МваФРБ деб аталади) муурожаат қилдилар ҳамда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича 2 нусхада ариза-анкета; чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси;

уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

никоҳ тузилганлиги, бола туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома;

35 x 45 мм ўлчамдаги иккита фотосурат»;

қуйидаги мазмундаги 23<sup>17</sup>-банд қўшилсин:

«23<sup>17</sup>. Ички ишлар органлари томонидан «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар)га давлат божи тўланмасдан уч йил муддатгача вақтинчалиқ прописка расмийлаштирилади ва узайтирилади»;

Низомга 1-иловага қуйидаги мазмундаги 7-банд қўшилсин:

«7. «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбе-

кистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 10-сон, 258-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

қуйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«7<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасида доимий яшашга рухсатнома олиш учун вилоятга бошқа давлатлардан келган «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча пропискадан ўтган жойлари бўйича туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) (кейинги ўринларда ТШИИББ деб аталади) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда МваФРБ деб аталади) мурожаат қиладилар ва қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича 2 нусхада ариза-анкета;

чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) уй-жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси;

уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

никоҳ тузилганлиги, бола туғилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

«Фахрий фуқаро» мақомини бериш тўғрисидаги гувоҳнома;

35 x 45 мм ўлчамдаги иккита фотосурат»;

қуйидаги мазмундаги 47<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«47<sup>1</sup>. Ички ишлар органлари томонидан «Фахрий фуқаро» мақоми берилган чел эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эр (хотини) ва вояга етмаган болалар)га давлат божи тўланмасдан уч йил муддатгача вақтинчалик прописка расмийлаштирилади ва узайтирилади».

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**554 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-8*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 июль,  
2019-47-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директорининг 2019 йил  
26 июлдаги 2019-47-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари  
битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг иккинчи хатбошисидан ва 20-банддан «, бунда юридик шахс ваколатли вакилининг имзоси у ифодалаётган юридик шахснинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 11-банднинг биринчи хатбошисидан «рўйхатга олувчининг асосий муҳри ёки рўйхатга олувчи филиалининг муҳри билан тасдиқланадиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 21-банддан «трансфер-агентнинг асосий муҳри билан тасдиқланадиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 34-банддан «ва муҳрларининг (юридик шахслар учун)» ва «ва муҳрлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 35-банддан «ва муҳрларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**555 Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисида-  
ги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1911, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 26 июль,  
2019-48-сон

Ўзбекистон Республикаси  
капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директорининг 2019 йил  
26 июлдаги 2019-48-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 18-банддаги «ташкилотнинг асосий муҳри» деган сўзлар «ташкилот раҳбарининг имзоси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 20<sup>1</sup>-банднинг бешинчи хатбошисидан «ва унинг муҳри билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**556** Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-8*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2003 йил 19 декабрдаги 359-сон буйруғи (рўйхат рақами 1323, 2004 йил 15 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 11-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 14-банди тўртинчи хатбошисидан «(милиция)» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 июль,  
200-мҲ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

**557 Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрса-  
тиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш  
ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2140-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2010 йил 3 августдаги 290-сон буйруғи (рўйхат рақами 2140, 2010 йил 6 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 310-модда) билан тасдиқланган Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-банди учинчи хатбошисидаги «милиция» деган сўз «ички ишлар органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 29 июль,  
201-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**558** «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 285-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 мартдаги 244-сон «Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 июль,  
31-2019/Б-сон

*Келишилган:*

*Ички ишлар вазири*

**П. БОБОЖОНОВ**

*2019 йил 24 июль*

*Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси*

**А. АЗИЗОВ**

*2019 йил 24 июль*

*Ташқи ишлар вазири*

**А. КАМИЛОВ**

*2019 йил 24 июль*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг 2019 йил 24 июлдаги  
31-2019/Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг 1996 йил 15 июлдаги 44–II-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи (рўйхат рақами 285, 1996 йил 20 ноябрь).

2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2011 йил 17 августдаги 51-Б-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисида йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги буйруғи (рўйхат рақами 285-1, 2011 йил 20 сентябрь), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 38-сон, 390-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 16 октябрдаги 67-Б-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисида йўриқномага қўшимчалар киритиш ҳақидаги буйруғи (рўйхат рақами 285-2, 2012 йил 13 ноябрь), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 525-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**559 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 936-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 1 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича йўриқномани (рўйхат рақами 936, 2000 йил 20 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02/012-1471-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2000 йил 6 июнда 160-сон билан тасдиқланган Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 936, 2000 йил 20 июнь) ҳамда «Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб тартиби бўйича йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 936-1, 2007 йил 27 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
316-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**560 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1800-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 1 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини синовдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1800, 2008 йил 30 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02/012-1471-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2008 йил 14 апрелдаги 3/1-сон ва 1-К-сон «Қишлоқ хўжалик техни-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда июлда эълон қилинган.

каси ва технологияларини синовдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1800, 2008 йил 30 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
317-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**561 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2647-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 1 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

ни қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитларни етказиб бериш ва улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2647, 2014 йил 31 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02/012-1471-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2014 йил 2 декабрдаги 10-сон «Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитларни етказиб бериш ва улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2647, 2014 йил 31 декабрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
318-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**562 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2130-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 1 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буйраман:**

1. «Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2130, 2010 йил 6 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02/012-1471-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 11 майдаги 7-сон, 42-сон «Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2130, 2010 йил 6 август) ҳамда 2015 йил 30 апрелдаги 12-сон, 35-сон «Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2130-1, 2015 йил 13 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.



5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
319-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**563 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1449-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 1 августдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, вўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1449, 2005 йил 12 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 31 июлдаги 02/012-1471-сон, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги РГ-1-7/6-2248-1-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2005 йил 7 январдаги 1/7-сон, 47-сон ва 16-сон «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1449, 2005 йил 12 февраль) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 август,  
320-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**564** Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 14 августдаги 3-сон буйруғи (рўйхат рақами 2614, 2014 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 478-модда) билан тасдиқланган Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларининг 1-бобидаги «Мактабгача таълим муассасаларининг» ва «Мактабгача таълим муассасасининг» деган сўзлар тегишлича «Мактабгача таълим ташкилотларининг» ва «Мактабгача таълим ташкилотининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. НАБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 июль,  
6-мҳ-сон

*Келишилган:*

**Мактабгача таълим вазيري**

**А. ШИН**

*2019 йил 24 июль*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**565** **Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 3135, 2019 йил 4 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.02.2019 й., 10/19/3135/2571-сон) билан тасдиқланган Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. НАБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 24 июль,  
7-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг  
2019 йил 24 июлдаги 7-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги «мактабгача таълим муассасаларининг» деган сўзлар «мактабгача таълим ташкилотларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 августда эълон қилинган.

2. 6-бандда:

а) биринчи хатбоши «давлат мактабгача» деган сўзлардан кейин «таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) тўртинчи хатбоши «давлат мактабгача таълим» деган сўзлардан кейин «ташкилотлари» деган сўз билан тўлдирилсин;

3. 18-банддаги «давлат мактабгача таълим муассасаси» деган сўзлар «давлат мактабгача таълим ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Низомнинг 1-иловасидаги «муассасаси», «муассасасининг», «муассасалари», «муассаса» деган сўзлар тегишлича «ташкilotи», «ташкilotининг», «ташкilotлар», «ташкilotи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган.

*Мактабгача таълим вазири*

*А. ШИН*

*2019 йил 24 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**566** Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан  
валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш  
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон қарори (рўйхат рақами 3029, 2018 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 26-сон, 532-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 августда эълон қилинган.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 20 июль,  
16/3-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
20 июлдаги 16/3-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Валюта айирбошлаш операциялари икки нафар ходим — назоратчи ва кассир иштирокида амалга оширилади.

Валюта айирбошлаш шохобчасида иш ҳажмидан келиб чиқиб зарурият бўлганда банк раҳбарининг буйруғига асосан ходимлар сони кўпайтирилиши ёки битта (бир вақтнинг ўзида назоратчи ва кассир вазифасини бажарувчи сифатида) ходимгача камайтирилиши мумкин. Бунда ходимлар сонини биттагача қисқартиришга фақат банк ва банк хизматлари офисида жойлашган валюта айирбошлаш шохобчалари ҳамда чакана амалиёт кассаларида рухсат этилади.».

2. 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Такдим этилган чет эл валютасининг ҳақиқийлиги ва муомалага яроқлилиги техник воситалар ёрдамида текширилгандан сўнг валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилади.».

3. 50-банднинг биринчи хатбошисидан «воситачилик ҳақи ундирилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 56-бандда:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкнота тасвирини (шаклини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса (сийқаланиш банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга халақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган ҳолатлар бундан мустасно);»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«майда доғлар, ёзувлар, штамп изи бўлганда (бунда ёзув ёки штамп изи икки донадан ортиқ бўлса, банкнота тугатилганлиги, сохталиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар бундан мустасно) ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга халақит бермайдиган асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиғини тўсиб қўймаган бўлса;

банкнотада диаметри 1 mm дан ошмаган ва иккитадан ортиқ тешиклар бўлса, бунда тешиклар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга халақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган бўлиши керак.»

5. 58-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58. Мазкур Низомнинг 56-бандида кўрсатилган меъёрлардан ортиқ бўлган ва қўйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомаллага яроқсиз ҳисобланади:».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**567** «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5597-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 августда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Молия вазири****Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
87-сон

**Ички ишлар вазири****П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
62-сон

**Мудофаа вазири****Б. ҚУРБАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
24-сон

**Фавқулодда  
вазиятлар вазири в. б.****Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
21-ққ-сон

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
15-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
01-02/5-49-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,  
Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат  
божхона қўмитасининг 2019 йил 31 июлдаги  
87, 62, 24, 21-ққ, 15, 01-02/5-49-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2011 йил 30 мартдаги 27, 26, 2, 84, 126, 01-02/5-31-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2222, 2011 йил 30 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 18-сон, 183-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 31 августдаги 66, 30, 10, 227, 98, 01-02/5-27-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2222-1, 2012 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 472-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 28 январдаги 5, 2, 1, 1, 2, 01-02/5-02-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2222-2, 2014 йил 10 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 7-сон, 75-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 13 мартдаги 27, 7, 8, 2, 37, 01-02/5-13-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2222-3, 2017 йил 3 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 234-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 9 августдаги 120, 3/1-6-1199, 24, 7, 95, 01-02/5-33-сон «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори

(рўйхат рақами 2222-4, 2017 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 869-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**568 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1792-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 5 августдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бўюраман:**

1. «Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1792, 2008 йил 16 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2019 йил 31 июлдаги 10-25/422-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 24 мартдаги 296-В ва 2008-21-сон «Банк кассаларига топширилаётган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1792, 2008 йил 16 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 августда эълон қилинган.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 август,  
325-мҳ-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 3 августдан 9 августгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 июлдаги 2019-47-сон «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-8.***

2. Ўзбекистон Республикаси капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 июлдаги 2019-48-сон «Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-6.***

3. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 июлдаги 200-мқ-сон «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-8.***

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 29 июлдаги 201-мқ-сон «Таксофон орқали телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2140-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 31-2019/Б-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 285-3.**

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 316-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 936-2.**

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 317-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1800-1.**

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 318-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2647-1.**

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 319-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2130-2.**

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 320-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1449-1.**

11. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 6-мх-сон «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614-1.**

12. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 24 июлдаги 7-мх-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мударлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135-1.**

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 20 июлдаги 16/3-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-2.**

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 31 июлдаги 87, 62, 24, 21-ққ, 15, 01-02/5-49 «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2222-5.**

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 6 августдаги 325-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1792-1.**

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни» қўллаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 285, 1996 йил 20 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 285-1, 2011 йил 20 сентябрь), (рўйхат рақами № 285-2, 2012 йил 13 ноябрь).

**Адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 315-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб қилиш бўйича йўриқнома (рўйхат рақами 936, 2000 йил 20 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 936-1, 2007 йил 27 февраль).

**Адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 316-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг «Қишлоқ хўжалик техникаси ва технологияларини синовдан ўтказиш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1800, 2008 йил 30 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 317-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарига минерал ўғитларни етказиб бериш ва улар учун ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2647, 2014 йил 31 декабрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 318-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги «Дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли бошоқли дон уруғлиги билан таъминлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2130, 2010 йил 6 август) шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2130-1, 2015 йил 13 май).

*Адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 319-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг «Вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот муассасалари, элита уруғчилик хўжаликлари, пахта етиштирувчи хўжаликлар, ғўза уруғчилиги ва селекциясига алоқадор бўлган мансабдор шахсларнинг якуний натижалар учун жавобгарлиги тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1449, 2005 йил 12 февраль).

*Адлия вазирининг 2019 йил 5 августдаги 320-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона кўмитасининг «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2222, 2011 йил 30 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2222-1, 2012 йил 3 октябрь), (рўйхат рақами 2222-2, 2014 йил 10 февраль), (рўйхат рақами 2222-3, 2017 йил 3 апрель), (рўйхат рақами 2222-4, 2017 йил 17 август).

*Адлия вазирининг 2019 йил 6 августдаги 324-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ кўмитасининг «Банк кассаларига топшириладиган нақд пул тушумининг барқарор ўсишини ва уларнинг узлуксиз берилишини таъминланиши бўйича мансабдор шахсларнинг рағбатлантирилиши ва уларнинг масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1792, 2008 йил 16 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 6 августдаги 325-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**